

Биродарлар! Одам—чи, вей, хохласа бир кунда телба бўлиши мумкин экан. гандок жинни бўлганини ўзи билмас экан. Касалхонага қачон келдим, ким опкелди, эсимда йўк. Аммо биринчи қор ёғиб турган ўша қуриб кетгур окшом аниқ ёдимда.

Шундай қилиб десангиз, ишдан чиқдинг—у, панжара девор олдида гижинглаб турган яп—янги “жийронтой”нинг эшигини очдик. Ойнани қор босиб қолган экан, аввал артдик, кейин ойнатозалагични ўрнатдик. Шигиллатиб хайдаб кетдик. Троллейбус бекатида турган одамлардан камида ўнтаси қўл қўтарди. Тўхтамадик! Эсимни ебманми тўхтаб! Сен—ку, савоб бўлар деб тўхтайсан, ГАИ қўриб қолса, қирақишлик қиялсан, деб талонингни тешиб беради.

Бекатдан эллиқ кадамча ўтганимда бир жонон шундай химо билан қўл қўтардики, тормозни қандай босганимни ўзим билмай қолдим. Машина янги қор тушган асфальтда сирганиб бориб, шундоққина жононнинг оёғи олдида тўхтади. Эшикни очишим билан жонон лип этиб, ёнимга ўтириб олди. Димогимга ширин атир иси қирди. Хзиям оппоққина, дўмбоққина. Плашининг елкасига қор қўниб, жикка хўл бўлиб кетибди. гаёққа боришини сўрамасимдан ўзи гапириб қолди:

—Печкангизни ёкинг, совук қотдим.

Печкани варанглатиб қўйиб юбордик.

—Поччамлар эрталаб пальто қийгизиб юбормабдилар—да?! – дедим илжайиб.

“Жоно” очикқина экан.

—Поочангиз аввал ўзларини эпласинлар! – деди таманно билан. Машинангиз янги экан, хиди келиб турибди. Марқаси қанақа?

Машина марқасини айтиб, яна илжайдим.

—Сиз машинанинг отини билиб олдингиз. Энди машинам ҳам сизнинг отингизни билсин—да.

“Жонон” ҳам ширин жилмайди.

—Лёля!

—Лолахон экансиз—да. Хзингиз ҳам худди лолага ўхшаб...

—Лолахонмас! Лёля! – деди у гапимни қесиб.

—Э, Лаълихон денг?!

—Қанақа Лаъли? – у аразлаб лабини чўччайтирди. – Лёля!

хай Лёля бўлса, Лёля—да! Йўлимиз бир экан. Гаплашиб кетдик. Лёляхон ательеда дизайнер бўлиб ишларқанлар. Поччамиз проводник экан. Уйга хафтада бир қеларқан. Шу гапни эшитганимдан кейин шайтон йўлдан оздирдим, бошқами, билмайман. Хуллас, машинани қандай қилиб гараж томонга бурганимни ўзим ҳам билмай қолдим. Хлай агар, қўнглимда ёмон ният йўқ эди. Шунчаки, Лёляхон билан бирпас хангомалашиб ўтиргим қелди. Домимиздан юз кадамча наридаги темир гараж олдида тўхтаганимизни қўриб Лёляхон ипдек қошини қимирди.

—хорманг!

—Биласизми... – дедим чайналиб. – МАшина олганимга энди уч кун бўлди. хали “ювганимча” йўқ... Шу... сиз билан... Илтимос, мени тўғри тшунинг...

Лёляхонга гапиряпман—у, икки қўзим домимизнинг бешинча қаватида. Машинада бегона жувон билан қелганимни хотинбой деразадан қўриб қолса борми?!

Хайрият, Лёляхон замонавий аёл эмасми, мени тўғри тушунди. Машина гаражга қириши билан бу эшиқдан мен тушдим, у эшиқдан – у.

—Сиз ўтираверинг! – дедим машинага имо килиб.

—Иссиккина... Мен гизиллаб бориб битта шампан олиб келаман.

Лёляхон аввалига ним коронгу гаражнинг бурчак—бурчагига хавотирланиброк караб кўйди—ю, кейин хотиржам бўлди. Негадир темир—терсак асбоблар солинган тахта яшиқдан болгача олди.

—Майли... – деди болгачани саланглатиб. – Буквально беш минут. Бўлмаса... – У кўлидаги болгача билан ширингина таҳдид килиб кўйди.

—Уч минутда келаман. Гастроном якин.

ховликиб гараждан чикдим—у, ўйлаб колдим. Хотинбой бешинчи кават деразасидан караб турган бўлса... Гаражни оик ташлаб, аллакаёкка гумдон бўлганимни кўрса. Пастга тушса...

Яна кайтиб келдим.

—Лёляхон! – дедим гараж эшигидан мўралаб. – Кечирасиз, уч минутга устингиздан кулфлаб кетаман. Тагин биров обкочиб кетмасин сизни...

У огзини очишга улгурмай гараж илгагига отнинг калласидек кулфни солиб шарақ—шурук кулфладим—да, чоррахадаги дўконга караб чопдим.

Кечадан бери эзилиб ёккан ёмгирдан кейин кор тушгани учунми, ер ўлгудек сирганчик.

харсиллаб чопи боряпман—у, ичимда ўзимга койил коламан. Гапнияп жа оламан—да!

“Сизни ўгирлаб кетишмасин!” дедимми? Лёляхон билмайдик, хотинбойдан кўркканим учун устидан кулфлаб кетьяпман. Майли, мана хозир битта шампан, бир плитка шоколад оламиз. Уч минутда кайтиб борамиз...

Бахтимга гастрономда одам кам экан. гўлтиқда шампан, чўнтақда шоколад. Дўконниг ойнаванд эшигидан отилиб чикканимни биламан... Бир махал кўзимни очсам, оппок шифтли уйда ётибман. Хрнимдан турмокчи эдим, чап кўлим чунонам зиркираб огридик, жоним чикиб кетай деди. Ён томоинмдан гўлдираган овоз келди.

—Бахтинг бор экан, йигит, кўлинг синибди. Менга ўхшаб оёгингМенга ўхшаб оёгинг синса нима бўларди?

Мундай карасам, олти кишилик палатада ётибман. хаммаси менга ўхшаб, сирганчикда йикилган майиб—мажрухлар... Гастрономга борганим, шампан олганим эсимга тушди.

Хша захоти гаражга камалиб колган Лёляхон лоп этиб кўз ўнгимга келди—ю, кўлимнинг огригини хам унутиб, сакраб туриб кетдим.

—Калит кани?

—Нега бакирасан?! – деб халиги киши яна гўлдиради. – галитни бошингга урасанми? Бир ўлимдан колганингга шукр килмайсанми, хумпар?

Чўнтагимни кавласам, хеч вако йўк! Шундагина шифохона халатини кийгазиб кўйишганини пайкадим.

—Калит кани? Соат неча бўлди? – дедим йигламокдан бери бўлиб.

Палатадаги хамдардлар тонг отиб колгани, соат етти бўлгани, кийим—кечагу, калит—малитлар “пирёмный покойда” бўлишини тушунтиришда. Гипсланган кўлимни чангаллаб, югурдим. Искладчи хотин соат тўккизда келаркан. Дод деб юборай дедим.

Нима килай? Уйга телефон килсам, хотинбойдан балога коламан. Майли, йикилдим, кўлим синиб, баннисага тушдим, дейишга дерман. Лекин тезрок бориб гаражни оч, бир бечора камалиб ётибди, кечаси билан совукда тиришиб колгандир, деёлмайман—ку!

Аклимга балли! Хйлаб—ўйлаб йўлини топдим. хамшира киздан икки тийин карз олиб, тўртинчи подъездда турадиган Марат деган ўртогимга кўнгирок килдим.

—Жон дўстим, тезрок кел! – дедим ялиниб. – Аммо банисага тушганимни хотинимга айта

кўрса.

Хакикий дўст шунака пайтда билинаркан. Марат ярим соатда еитб келди. Эгнида пальто, бошида телпак.

—Совукми? – десам, кўлларини ишкалаб дийдиради:

—Эшак ўладиган совук бўляпти.

Дўстимга ахволни тушунтирдим. Искаладчи хотин келиши билан калитни олдик.

—Лёляхондан узр сўра! – дедим эшикка йўналган Маратга. – Шундок—шундок бўп колди, кечираркансиз, дегин.

—Хотиржам бўл. хаммасини ес киламиз.

—Шошма! Аввал Лёляхонни кузатиб кўйгин—да, кейин хотинбойга бу ёкда ётганимни айт. Телефон килса банд экан, дегин...

Дўстим ховлига гизиллади.

Кўнглим анча жойига тушиб, палатага кириб ётдим. Обход бўлди. Навбатчи дўхтир суягим икки жойдан сингани, камида бир хафта ётишим кераклигини айтди. Жахли тез бўлсаям, ўзимизнинг хотинбой яхши—да! Кўрасиз, хализамон шўрва кўтариб кепколади. Чўлок бўлган кўлимни силайди. Хзингизни эхтиёт килсангиз бўлмайдими, дейди. Кўз ёши хам килиб олади. Мехрибон—да!

Ширин хаёл суриб ётган эканман, палата эшиги гийкиллаб очилди. Семиз санитар хотин – тарак—турук килиб эски кушетка судраб кирди.

Ўша захоти гавдали бир беморни икки кўлтигидан суяб олиб киришди. Касал бечоранинг боши дока билан калин ўралган, рангида ранг колмаган, мўйлови шалпайиб турарди.

Кушеткага жой солишлари билан бемор шилк этиб ўзини ташлади. Тепасига борсам...

Мўйлови танишдек кўринди. Синчиклаброк карасам ўзимнинг кадрдон дўстим – Марат!..

—Нима бўлди?! – Жон холатда кичкириб юбордим шекилли, Марат амаллаб кўзини очди.

—Дард бўлди! – деди инкиллаб. – Бало бўлди! Гаражингни эшигини очганимни биламан, ичкаридан бир алвасти югуриб чикиб, болга билан кок пешонамга чунонам туширди, чунонам туширди... – У гапиришга мадори колмади шекилли, юзини девор томонга ўгириб олди.

Эгнимда банниса халати, оёгимда шиппак, кўчага отилдим. Таксичи дийдираб турганимни кўриб рахми келди шекилли, гап—сўзсиз тўхтади—ю, машинасини айтган томонимга гириллатди. Йўк, уйгамас, ўзимнинг темир гаражимга.

Шуниси эсимдаки, гараж ланг очик турарди. Энг аввал орка капот устида ётган болгага кўзим тушди. Кейин... Нима десам экан?... Дўлда колган таппини кўрганмисиз? Менинг машинам – уч кунгина минган яп—янги машинам худди ўшанака ахволга тшуган эди.

ойналари чил—чил синган, томи—ю капотлари, орка—олди—ю ёнбошлари болга билан пачокланган, шу кадар хафсала билан, шу кадар эринмай, тартиб билан пачокланган эдики, акалли номига бир карич сог жойи колмаганди. Гаражга камалиб колган Лёляхон кечаси совкотиб, тарашага айланмаслик учун хўп гайрат килгани кўриниб турарди.

...Одам кандок жинни бўлганини билмас экан. Касалхонага қачон келдим, кандок келдим, ким обкелди, эмисда йўк. Кейин, сал ўзимга келганимда айтиб беришди. Аввал гипсланган кўлимни тишлаб ириллабман. Ундан кейин шиппак билан кор тепиниб хумордан чиккунча ўйнабман... Бу ёкка хотинбой билан ўша инсофли таксичи олиб келибди.

Мана, ётибмиз, энди. Хотинбой хар куни товук шўрва олиб келади. “гўйверинг, жинни бўлган битта сизми?” – деб юпатади. Айтмокчи, кеча хушхабар топиб келди. Учунчи

синфда ўқийдиган ўгилчамиз темир—терсак топширишда шахар биринчилигини олибди.
Муаллиф изохи. Бу – бўлган воқеа. Факат хикоя кахрамони мен эмасман!

Ўткир ХОШИМОВ,
“Дафтар хошиясидаги битиклар”дан